

УЎК (UDC, УДК): 821-21: 821.222.1

DOI: 10.36078/1564995819

АБДУЛЛОҲ МАРВОРИД ВА УНИНГ “МУНШАОТ” АСАРИ



Умедулло Акмалиддин ўғли МАХМУДОВ

Докторант (PhD)

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент,

Ўзбекистон

umah.90@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Алишер Навоий яшаган давр ва ундан кейинги пайтда яратилган муншаотлар, хусусан, “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” асари, муаллиф шахсияти, асарнинг қўлёзма нусхалари ва унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилган.

Муншаот (араб. – иншо этилганлар, яъни ёзилганлар, битилганлар) – Шарқ шеърлятидаги жанрлардан бири, муаллифнинг назмда ёки насрда ёзилган мактублар тўплами.

Калит сўзлар: муншаот; мунший; мактуб; фармон; қўлёзма; Абдуллоҳ Марворид.

АБДУЛЛО МАРВАРИД И ЕГО ПРОИЗВЕДЕНИЕ «МУНШАОТ»

Умедулло Акмалиддин угли МАХМУДОВ

Докторант

Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы

umah.90@mail.ru

Аннотация

В данной статье расследуются произведения эпистолярного жанра – муншаот, которые были написаны при жизни и после смерти Алишера Навои. Также исследуется «Муншаоти Абдуллоҳ Марворид» и личность автора, рукописи его произведений и его роль в истории узбекской литературы.

Муншаот (араб. «составленные письма», то есть сборник писем) – один из жанров восточной поэзии, собранные письма писарей, написанных стихами или прозой.

Ключевые слова: муншаот; мунший; письмо; постановление; рукопись; Абуллоҳ Марварид.

ABDOLLAH MORVARID AND HIS MONSHA'AT

Umedullo Akmaliddin ugli MAHMUDOV

Researcher (PhD)

Alisher Navoi Tashkent State
Uzbek Language and Literature University

Tashkent, Uzbekistan

umah.90@mail.ru

Abstract

This article discusses the works of the epistolary genre – the munshaot which were written during and after the lifetime of Alisher Navoi, in particular, “Munshaoti Abdulloh Marvorid”; the author’s identity, the manuscript of the work and its role in the history of Uzbek literature, are given in the article.

Moonsha’at (Arabic. Compiled letters, that is, a collection of letters) is one of the genres of oriental poetry, collected letters of clerks, written in verse or prose.

Keywords: Monshaat; monshi; letter; decree; manuscript; Abdollah Morvarid.

Бир неча асрлик тарихга эга бўлган Шарқ насри ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Бу даврда насрнинг бир қанча турлари, жумладан, муншаотнавислик ҳам пайдо бўлди ва у ўзига хос услубларни эгаллаб борди. Шарқда у иншо санъати дея эътироф этилган бўлса, европаликлар уни эпистоляр ёзишма жанри деб номлаган.

Мазкур жанр тараққиётининг турли даврларида буюк уламолар, давлат арбоблари, адиблар ва бошқа машҳур шахслар томонидан иншонинг гўзал намуналарини ўзида мужассам этган “Муншаот”лар яратилди. Араб, форс, туркий тилларда яратилган мазкур асарлар бадиийлик қимматидан ташқари, ўз даврига оид тарихий воқеаларни тиклашда, давлатчиликка оид муҳим манбаларни очишда катта аҳамиятга эга.

Муншаот – Шарқ адабиётидаги жанрлардан бири, муаллифнинг назмда ёки насрда ёзилган мактублар тўплами. Бундай тўпламлар бир ёки бир неча муаллиф қаламига мансуб хатлар йиғиндисидан иборат. Мактублар шунчаки битилган хатлар бўлмай, бадииятнинг ўзига хос тури — иншо санъати сифатида юзага келиб, чуқур мазмунга ва гўзал бадиий ифодага эга бўлган. Муншаот баъзан “руқъаот” (Руқъаот (ар.) – мактублар), “мактубот” деб ҳам юритилган (1, 821).

Ўзбек адабиёти тарихида муншаотнинг шаклланиши ва ривожланиши Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Навоий “Муншаот”(2) асарининг муқаддимасида форсий тилда мактуб мактуб жанрининг шаклланиб, юксак услубни эгаллаганлиги, туркий халқларда бу услубда ҳали ҳеч иш қилинмаганлиги ва ўзи муншаотга биринчи бўлиб кўл урганлиги қайд этган(2). Асардаги мактубларнинг аксарияти султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари – шахзодаларга, шу билан бирга шоирнинг дўстлари ва яқинларига турли мавзу ва мазмунда битилган номалардан иборат. Уларда Навоийнинг

давлатни идора этиш ҳақидаги таклифлари, ҳукумат ишларини бажариш, шунингдек панд-насихат йўсинидаги фикрлари ўрин олган.

“Муншаот” асарининг назарий жиҳатлари мамлакатимизда илк бор адабиётшунос олима Суйима Ғаниева томонидан ўрганилди. Олима Алишер Навоийнинг Муншаот асаридаги мактубларни ўрганиб чиқиб, уларни қуйидагича таснифлайди:

1. Давлат ва сиёсатга алоқадор мактублар.

2. Турли шахсларга уларнинг лавозимлари ва ишлари хусусида ёзилган хатлар.

3. Бадиий ижод борасидаги ёзишмалар.

4. Табрик ва таъзияномалар.

5. Шахсий кечинмаларни ифодаловчи мактублар (3, 41).

Кейинчалик Ю.Турсунов ўзининг “Муншаот – Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда тарихий-бадиий манба сифатида” мавзусидаги номзодлик ишида Суйима Ғаниева таснифига асосланган ҳолда қуйидаги қўшимчаларни киритади:

1. Насихат характеридаги мактублар.

2. Танбеҳ ифода этилган мактублар.

3. Миннатдорлик ифодаланган хатлар.

4. Қисқа мактублар (4) .

Адабиётшунос Қодиржон Эргашевнинг “Ўзбек насрида иншо (Навоий “Муншаот”и мисолида)” (3, 42) мавзусидаги номзодлик диссертациясида “Муншаот” типидagi асарларда учрайдиган мактублар қуйидаги тартибда тасниф этилган:

1. Мурофия йўсинида битилган хатлар – бунда мактуб дуо-тилаклар билан бошланиб, дуо-тилаклар билан якунланади.

2. Муросала йўсинида битилган мактублар – муросала услубидаги битиклар мурофиадан фарқли равишда мурожаат қисми дабдабали эмас ва хотимаси ҳам қисқагина дуо ёки тилакдан иборат.

3. Риқоъ йўсинида битилган хатлар – унда адресатга такаллуф қилинмайди. Ушбу йўсинда битилган мактублар қисқа, танбеҳ ва насихат руҳида ёзилган.

Қ. Эргашевнинг таъкидлашича, соф молиявий масалаларга тегишли девон хужжатлари, кирим-чиқим, сарфу харажатларнинг ҳисоб-китобидан иборат бўлган иш қоғозлари ҳам иншога мансуб (3,42).

Муншаотлар дастлаб араб ва форсларда кенг ривож топганлигини қайд этиш ўринли. Тазкираларда энг мукамал “Муншаот”лар сифатида:

Низомиддин Абдулвосиънинг “Маншо ул-иншо”¹⁹, Насруллоҳ бин Ало ал-Бинонинг “Латойиф ул-иншо”²⁰, Абдуллоҳ Қутбиддин Мухйининг “Макотиби Абдуллоҳ Қутбиддин Мухйи”²¹, Алишер Навоийнинг “Муншаот”и (форсий мактублари), Хожа Абдуллоҳ Марвориднинг “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид”²² каби асарлар қайд этилган.

Юқорида санаб ўтилган асарлар ичида XV асрда Абдуллоҳ Марворид томонидан тўпланган хат ва фармон нусхалари ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Ушбу мажмуа “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид”, “Муншаоти Хожа Абдуллоҳ”, “Шарафномаи Марворид” номлари билан машхур бўлиб, темурийлар давридаги адабиёт намояндalари ва сиёсий арбоблар фаолияти билан боғлиқ 93 мактуб ва фармонни ўз ичига олган. Асар XVI асрда яратилган. Ундаги кўплаб мактублар Амир Темур ва темурий султонлар шахси ва фаолияти билан боғлиқ.

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” асарининг муаллифи Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марворид ҳижрий 865 йилда дунёга келган ва деярли умрининг охирига қадар Ҳирот шаҳрида яшаган. Унинг отаси Шамсиддин Муҳаммад Садр Марворид кирмонлик аслзодалардан ва у туркман қабиласидан деб саналувчи қорақўйинлилар фитнаси (872–875) оқибатида Кирмондан Ҳирот

¹⁹**Низомиддин Абдулвосиъ Низомий** – туғилган ва вафот этган санаси хусусида маълумотлар учрамайди. У бир неча муддат Султон Ҳусайн Бойқаро ва айрим шаҳзодаларнинг девон бошлиғи бўлган. Унинг девон боши бўлган пайтидаги хат ва ҳужжатлар Амирбекнинг (Алишер Навоий бўлса керак. – муаллиф) илтимосига кўра унинг шогирди Абулқосим Шаҳобиддин Аҳмад Хавофий (тахаллуси Мунший) томонидан тартибга солиниб, “Муншо ул-иншо” номи билан яхлит муншаот шаклига келтирилади.

²⁰**Насруллоҳ бин Ало ал-Бино** ҳақида тазкираларда ҳам, манбаларда ҳам маълумотлар деярли учрамайди. Аммо унинг таълиф этган китоби “Латойиф ул-иншо”нинг дебчасида муаллифнинг тўлиқ исми қуйидагича келтирилади: Насруллоҳ бин Ало ал-Бино ан-Насафий. Муаллифнинг яшаган йиллари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо Аҳмад Амирий Хуросоний, Маҳмуд Мудаббирий ва Али Раҳмониён “Латойиф ул-иншо” асарининг ёзилиш услуби хусусида” номли мақоласида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Муаллиф “Латойиф ул-иншо” асарида Шайх Саъдий Шерозийнинг шеърларига мурожаат қилганлигини эътиборга олсак, у ҳижрий VII аср ёки ундан кейинги даврларда яшаган деган фикрга келиш мумкин”. Баъзи олимлар унинг Арғуншоҳ номидан Суюрғоншоҳга атаб ёзилган мактубини асос қилиб, муаллиф Илхонийлар ҳукмронлиги даврида сарой котиби бўлган деган фикрни илгари сурадilar.

²¹**Қутбиддин Муҳаммад бин Мухйи Маҳмуд** – (тахм. 838 – 900 х.к.) IX асрнинг энг машхур ориф ва зоҳидларидан бири. У мактубларидан бирида ўзини Абдуллоҳ Қутб бин Мухйи бин Маҳмуд ал-Ансорий ал-Хазражий ас-Саъдий дея таништирган. Шунга кўра олимлар уни саҳоба Саъд бин Убоданинг авлоди дея тахмин қиладilar. У Ихвонобод шаҳрини қуриб, умрининг охирига қадар мазкур шаҳарда яшади. Ундан “Макотиби Абдуллоҳ Қутбиддин Мухйи” асари мерос бўлиб қолган.

²² Муаллиф ва унинг асари хусусида қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

шаҳрига кўчиб ўтади, Абу Саид Муҳаммаднинг саройидан ўрин олиб, унинг вазирига айланади. Кейинчалик у Султон Ҳусайнга ҳам садоқат билан хизмат кўрсатган.

Абдуллоҳ Марворид отасининг кўмаги билан ёшлик чоғидан бошлаб Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройига кириб келади ва бир муддат ўтгач садорат мақомига етиб, саройда “парвоначи” лавозимини эгаллайди (5). Абдуллоҳ Марворид нафақат сарой амалдори балки, шоир, мусиқашунос ва етук хаттот ҳам бўлган. Кейинчалик султон фармонлари ва ёзишмаларининг муҳрдорига айланади.

Исмоил Сафавий 918 йили Хуросонни эгаллагач, Абдуллоҳ Марворидни ўз хузурига чорлайди, аммо унга қандай лавозим берилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Абдуллоҳ Марвориднинг фарзандларидан Нуриддин Муҳаммад Мўмин²³ ўз даврнинг моҳир хаттоти сифатида танилган, у муаррих Абу Наср Сом Мирзо Сафавийга (Тухфаи Сомий)²⁴ асарининг муаллифи) хаттотликда устоз ва мураббийлик қилган. Нуриддин Муҳаммад Мўмин шоҳ Таҳмасп кутубхонасининг раиси сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Абдуллоҳ Марворид Баёний Кирмоний таҳаллуси остида ижод қилган ва Темурийлар даври адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У ғазалнависликда Абдурахмон Жомийга эргашган, ўзининг “Хусрав ва Ширин” маснавийсини Низомийга тақлидан яратган. Шунингдек, бошқа шоирлар Хожа Абдуллоҳ Марворидга жуда ихлос қилганлар ва ўзларининг ижод намуналарини унинг назаридан ўтказганлар. Абдуллоҳ Марворид мусиқа соҳасида ҳам жуда маҳоратли бўлган. У Султон Ҳусайн Бойқаронинг мажлисларида қонун созини чалган.

²³**Нуриддин Муҳаммад Мўмин** – (ваф. 948 х.) Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марвориднинг фарзанди, шунингдек шогирди ҳамдир. У ҳижрий X асрда яшаб фаолият юритган. Машҳур хаттот, Сафавийлар сулоласининг котиби ҳамда энг яқин ходимларидан бири бўлган. Унинг ҳозиргача сақланиб қолган ягона асари мавжуд бўлиб, “Мураққаъи Мўмин Кирмоний” деб аталади ва мазкур асар Шоҳ Таҳмаспга атаб ёзилган. У номаълум сабабларга кўра Ҳиндистонга кетади ва у ерда вафот этади.

²⁴**Сом Мирзо Сафавий (923–974 х.йй)** – машҳур хаттот ва тазкиранавис. У Шоҳ Исмоил Сафавий Ининг фарзанди, Шоҳ Таҳмаспнинг инисидир. Сом Мирзо Сафавий акаси Шоҳ Таҳмаспнинг фармонида кўра, аввал Хуросонга, кейинроқ Ҳиротга волий этиб тайинланади. Кейинчалик у Қазвин, ундан сўнг Ардабилга волийлик қилади. Сом Мирзо Ардабилда ўзининг машҳур тазкираси “Тухфаи Сомий”ни таълиф этади. Сом Мирзо Сафавий 974 ҳижрий санада акаси Шоҳ Таҳмаспнинг фармонида кўра икки ўғли билан бирга Ардабил яқинидаги Қаҳқаҳа қалъасида қатл этилади.

Абдуллоҳ Марворид хаттот сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Унинг хаттотликдаги маҳоратини Мустафо Олий Афанди²⁵ ҳам эътироф этади.

Абдуллоҳ Марворид 1535 ёки 1536 йили Ҳиротда вафот этган ва Мусалло қабристонига дафн этилган (6).

Абдуллоҳ Марвориднинг “Муншаот” ёки “Шарафнома” асари Алишер Навоий яшаган давр хусусан, унинг вафотидан кейинги давр ҳақида янги маълумотларни жамлаганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу асар ҳақида Сом Мирзо Сафавийнинг (7, 63) қуйидаги фикрлари муҳим:

عبدالله مروارید، در ایام عزلت، به خواهش دوستان و آشنایان، نامه ها و فرمانها و احکام و نشانها و رقعه ها و انشاهایی را که در زمان حکمرانی حسین بایقرا قلمی کرده بود جمع آورد و مرتب ساخت.

Сом Мирзо Сафавий ўзининг “Тухфаи Сомий” асарида қуйидагиларни баён қилади: “*Абдуллоҳ Марворид саройдан кетгач дўстлари ва яқинларининг илтимосига кўра Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ўз қўли билан ёзган хатлар, фармонлар, буйруқларни жамлаб, тартиб берди*” (7, 63).

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Абдуллоҳ Марворид ўзи сарой девонида ишлаган давридаги хат ва ҳужжатларни бир китобга жамлаб, уларга тартиб берган. Демак, муаллиф ушбу ҳужжатларга бевосита алоқадор бўлган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ушбу асардан тарихий фактларни аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Хондамирнинг “Номаи номи” асарида девон ҳужжатларидан баъзи намуналар келтирилади ва қолган ўринларда ҳужжатларнинг ёзилиш услуби мисол тариқасида берилади. Уларда аниқ адресат мавжуд эмас, саналар ҳам кўрсатилмайди. Бундай “Муншаот”ни факт сифатида қабул қилиш турли чигалликларга олиб келиши ва мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки бундай турдаги муншаотлар муншийлар учун қўлланма сифатида яратилгани ҳеч кимга сир эмас.

²⁵Мустафо Оли Афанди (948–1008 х.к) – Усманийлар саройининг ходими Хожа Аҳмад бин Абдуллоҳ Номийнинг ўғли, тарихчи олим, шоир ва девон ходими бўлган. У ўз шеърларида дастлаб “Чашмий”, кейинчалик “Олий” тахаллусини қўллаган. 968 хижрий йилда Усманий шаҳзода Салим Пнинг фармони асосида муншийлик мақомига тайинланди. Оли афанди хаттотлик санъатида ҳам маҳоратли шахс сифатида танилган ва хаттотлик одобидан ҳам яхши хабардор бўлган. У Истанбулда устози Шукруллозода Пирмуҳаммаддан насх ва сулс хатини ўрганди. Мустафо Оли Афандидан қуйидаги насрий ва назмий асарлар мерос бўлиб қолган: “Маноқиб хунараврон”, “Ҳафт мажлис”, “Нусратнома”, “Зубдат ут-таворих”, “Канз ул-ахбор”, “Садафи сад гуҳар”, “Меҳр ва вафо”, “Тули садбарг”, “Меҳр-у моҳ”, “Риёз ус-соликийн”, “Қавоид ул-мажолис”, “Маъолим ут-тавҳид”, “Ҳақойиқ ул-ақолим”, “Вақфнома” ва бошқалар. Мустафо Оли Афанди хижрий 1008 йилда Жиддада шаҳрида вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абдуллоҳ Марворид каламига мансуб “Муншаот” асарининг Р-288, Р-286-2, Р-287-1 рақамлари остида сақланадиган қўлёзма нусхалари мавжуд. Мазкур нусхаларнинг барчаси настаълиқ хатида кўчирилган.

Р-286-2 нусхаси ўзида бир нечта иншо услубида ёзилган асарларни жамлаган бўлиб, унинг таркибидан “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” асари ҳам ўрин эгаллаган. **Р-287-1** нусхада тадқиқотимиз объекти ҳисобланган “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” асари асосан хошияда келтирилган ва ушбу нусхадаги хат ва ҳужжатларнинг умумий сони 43тани ташкил этади. Қўлёзмалар фондида сақланаётган **Р-288** рақам остидаги қўлёзма нусхадан фақатгина Абдуллоҳ Марвориднинг “Муншаот”и ўрин олган. Мазкур нусха яхши сақланган, аммо баъзи варақларидаги ёзувлар ўчиб кетган. Асарнинг дебочасида қуйидаги сўзлар келтирилади:

به عرض می رساند مسود این ارقام، فقیر متهام عبدالله بن محمد المروراید، که بعضی از اصحاب فهم و ذکا التفات و اعتقاد به حال این بی مقدار داشته، مرقومات کلک عجز و نامرادی این خاکسار را طلب می نمودند و از آنجا به کمال عطف خاطر شکسته را تشحیذی می فرمودند، بنابراین، نبذی از مسودات بی حاصل و شطری از مرقومات بلاطایل، که املاى آن اتفاق افتاده بود... جمع ساخته در قلم آمد.

Таржимаси: *Мазкур мақолаларнинг қораловчиси фақир Абдуллоҳ бин Муҳаммад ал-Марворид сизга шуни маълум қиладики, баъзи аҳли фаҳм ва зако эгалари илтимослари ила, қари ва умидсизликка берилган хокисорнинг яраланмиш қалбига малҳам бўлганларнинг талаблари бирла беҳосил қораламаларни, бефойда хатларни бир жойга жамлади (9,1).*

Юқорида зикр этилган нусхалардаги хат ва ҳужжатлар сонини қуйидаги тартибда таснифлаш мумкин:

1. Нишонлар (фармонлар) – 25 та.
2. Мактуботлар – 18та, шундан иккитаси рукъалар.

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид”нинг нусхалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш жараёнида мазкур асарнинг Эрон Ислом Республикаси Миллий кутубхонасида № 1504/1 (Абдуллоҳ Мўрвоот, Мунис Алхубоб томонидан 1563 йили насталиқ усулида кўчирилган), №3798, №9454, № 516/2, Қум шаҳри Миллий кутубхонасида (№9022, №9606, №8783 рақамлари остида) сақланаётганлиги аниқланди.

Интернет манбаларида мазкур асарнинг баъзи нусхалари ҳақида маълумотлар ҳамда асардаги хат ва ҳужжатларнинг адади ҳақида турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Асруссодат Аҳмадий, Ҳусайн Оғоҳусайний ва Сайид Алиасғар Мирбоғирифард ҳаммуаллифлигида ёзилган “Introducing

Bayani Kermani the Manuscripts of his Monsha'at” (6) (“Баёний Кирмонийнинг “Муншаот” асари ва унинг қўлёзма нусхалари ҳақида”) номли мақолада Эрон Ислом Республикасининг Қум кутубхонасида 9022 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасида хат ва ҳужжатлар сони 149тани ташкил этиши кўрсатилган. Агар ушбу маълумотга таянилса, у ҳолда мазкур нусхани хат ва ҳужжатларнинг сони жиҳатидан тўлиқ нусха сифатида эътироф этиш мумкин(6). Техрон миллий кутубхонасида сақланаётган нусха эса ўзида 139та ёзишмани жамлаган (6). Шунингдек, Сайид Амир Жиходийнинг “Темурийлар даври ёзишмалари” номли мақоласида “Муншаот”даги хат ва ҳужжатларнинг адади ҳақида куйидагилар баён қилинади:

شرفنامه مجموعه ای از 126 مکتوب اثر قلم خواجه عبدالله مروارید. این نامه ها دو گونه است: بخشی نامه های دیوانی است، یعنی نامه ها بیست دولتی که به اشخاص مختلف نوشته شده است؛ دیگری نامه هایی است که شخصی که خواجه عبدالله خطاب به دوستان و همکاران خود تحریر کرده است.

Таржимаси: *Шарафнома Хожа Абдуллоҳ қаламига мансуб 126 мактубни ўзида жамлаган асардир. Ушбу мактубларни иккига ажратиш мумкин:*

1. *Девон хатлари, яъни давлат ва ҳукумат аҳамиятига молик хатлар, амр ва фармонлар.*

2. *Шахсий мактублар, яъни Хожа Абдуллоҳнинг дўстлари ва сафдошларига ёзган мактублари.*

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид”нинг турли нусхаларини ўрганиш, уларни қиёсий-танқидий усулда тадқиқ этиш мазкур асардан ўрин олган барча хат ва ҳужжатларни комплекс ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд. –Тошкент, 2000. – 821 б.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами (10 жилдлик). Тўққизинчи жилд. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент, 2013. – 566 б.
3. Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо (Навоий “Муншаот”и мисолида). ф.ф.н дисс. –Тошкент, 1996. – 145 б.
4. Турсунов Ю. “Муншаот” как историко-литературный источник в изучении жизни и деятельности Алишера Навои: Автореф. дисс. канд. фил.наук. –Ташкент, 1986. – 21 б.
5. <http://rch.ac.ir/article/Details/12576>
6. Introducing Bayani Kermani and the Manuscripts of His Monsha'at. Asraossadat Ahmadi, Hossein Aghahosseini & Sayed Aliasghar Mirbagherifard. Asian Culture and History; Vol. 5, No. 2; 2013, P. 2–6.
7. تحفه سامی. سام میرزا سفوی. با تصحیح و مقابله وحید دستگردی. ضمیمه سال شانزدهم ارمنان. مطبعه ارمنان. تهران. - 1318.

8. معرفى و سبکشناسى نسخه خطى "الطایف الانشا". احمد امیرى، محمود مدبیرى، على رحمانیان. فصلنامه تخصصى سبکشناسى نظم و نثر فارسى (بهار ادب) علمى – پژوهشى سال نهم – شماره اول – 1395

Қўлёзма манба:

9. منشآت شهاب الدين عبدالله مرواريد. نسخه خطى. محفوظ در انستيتوى خاورشناسى به نام ابو ريحان بيرونى فرهنگستان علوم ازبکستان.

REFERENCES

1. *Uzbekiston Milliy Ensiklopediyasi* (National Encyclopedia of Uzbekistan). 1 vol. Tashkent, 2000, 820 p.
2. Navoiy A. *Munshaot. Tula asarlar tuplami* (Munshaot. Complete Collection of Works), vol. 9, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi NMIU, 2012, 566 p.
3. Ergashev Q.O. *Uzbek nasrida insho (Navoi "Munshaot"i misolida)* (The epistolary in Uzbek prose (in the example of Navoi "Munshaot")), candidate's thesis, T., 1996, 145 p.
4. Tursunov Yu. *Munshaot-kak istoriko-literaturnyi istochnik v izuchenii zhizni i deyatel'nosti Alishera Navoi* (Munshaot-as a historical and literary source in the study of the life and work of Alisher Navoi), candidate's abstract, T.: 1986, – 21 p.
5. <http://rch.ac.ir/article/Details/12576>
6. *Asian Culture and History*, Vol. 5, No. 2, 2013, pp. 2–6.
7. *Tohfe-ye Sâmî. Sâm Mirzâ Safavi (Tohfeh Sami). Bâ tas'hih va moqâbele-ye Vahid Dastgardi. Zemime-ye sâl-e šânzdahom-e Armoqân. Tehran: Armughan, 1960, 213 p.*
8. *Moarrefî va sabkšenâsi-ye nosxe-ye xatti-ye "Latâyef ul-enšâ"* (The introduction and stylistics of the manuscript "Latayef ul-insha"). Ahmad Amiri, Mahmud Modabbiri, Ali Rahmâniyân. *The Quarterly Journal of the stylistics of Persian poems and prose "Bahar-i adab", vol.1, 2016, 28 p.)*
The manuscript:
9. The manuscript of "*Munshaot-i Abdullah Morvarid*", Tashkent State Institute of Oriental Studies named after Abu Raykhan Beruniy, manuscripts fund R-288, – 136 p.